

Энг қимматбаҳо маҳр соҳибаси



14:45 / 19.03.2019 6244

Мадиналик Милҳоннинг қизи Румайсо хоним оқила, доно, хушхулқ ва гўзал аёл эди. Уни фарзандининг исми билан кунялаб “Умму Сулайм” деб чақиришар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадан жўнатган Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳунинг даъвати билан Умму Сулайм муслима бўлган ва Муҳаммад алайҳиссалом динига эргашган эди. Лекин Аллоҳнинг тақдири мўминлар учун имтиҳонларга тўла экан. Ўлим вақти келганда бир сония ҳам кутиб ўтирмас экан. Умму Сулайм розияллоҳу анҳонинг эри узоқ яшамади. Ожиза ҳали ёш туриб бева қолди.

Мадинада Нажжор қабиласига мансуб Зайд ибн Саҳл деган одам бор эди. Уни Абу Талҳа деб чақиришар эди. Абу Талҳа ҳар қандай аёл ҳавас қилса арзигулик келишган, бой-бадавлат, паҳлавон, қабиласида обрўси баланд, моҳир чавандоз ва саноқли мерганларнинг бири эди. Мадинада Маккалик Мусъаб кўпчиликни Исломга олиб кирган бўлса-да, лекин Абу Талҳа аждодлари динига содиқ қолди.

Абу Талҳа Умму Сулаймни яхши кўрар эди. Унинг эри ўлганини эшитди-ю, ҳаловатини йўқотди. Тўғри-да, шундай гўзал, ақлли, фаҳм-фаросатли аёлга ким ҳам уйлангиси келмайди, дейсиз. Бошқа бирорта эркак унга совчи қўйишидан олдин Абу Талҳа отини қамчилади. Йўлда кетар экан ўзича ишонардики, Умму Сулайм мени кўриб дарров рози бўлади... Лекин ўйланиб қолди: «Умму Сулайм анави Маккалик даъватчига эргашибди,

Муҳаммаднинг динига кирибди деб эшитгандим, менга рози бўлармикин», деган хаёл уни тараддудга солибди. Шундай бўлса-да, барибир Умму Сулаймнинг қўлини сўраб борибди.

Умму Сулаймнинг эшиги тақиллади. У ўғли Анас билан эшикни очди. Ташқарида Абу Талҳа киришга изн сўраб турарди. Уни уйга киритишди. Салом-алиқдан сўнг совчи мақсадага ўтиб қўя қолди:

– Эй Умму Сулайм, мен қўлингизни сўраб келдим. Мени яхши биласиз, сизни ва фарзандларингизни моддий ва маънавий таъминотини урдасидан чиқаман. Хўп десангиз, сизга уйлансам?

Аёл:

– Эй Абу Талҳа, сиздек кишига йўқ дейишнинг ўзи аҳмоқлик бўлади. Сиз қавми ичида обрўси баланд, етук, ҳамма ҳавас қилса арзигулик эркаксиз. Аммо мени тўғри тушунинг, сиз билан турмуш қила олмайман. Чунки сиз мусулмон эмассиз, – деди.

Абу Талҳа бирорта бадавлатроқ одам ундан аввал бунинг қўлини сўрабди шекилли, деб гумон қилди ва сўради:

– Эй Умму Сулайм, тўғриси айтинг, менга тегишдан сизни нима тўсаяпти?

Умму Сулайм:

– Сабабини айтдим-ку, яна нима тўсиши мумкин?! – деди.

– Менимча сиз бойликка учяпсиз, бойроқ одамдан совчи келганмиди? – деди Абу Талҳа.

Абу Талҳанинг бу гапидан Умму Сулайм хафа бўлиб кетди ва: «Наҳотки мени шундай деб ўйласангиз. Мен учун бойлик аҳамиятсиз, балки мен диёнатни устун қўяман. Сиз мусулмон эмассиз, шунинг учун рози бўлмадим. Аллоҳ ва унинг Расулини гувоҳ қилиб айтаман: «Эй Абу Талҳа, агар Исломга кирсангиз сизга турмушга чиқаман. Маҳримга сариқ чақа ҳам сўрамайман, мен учун сизнинг исломингиз маҳр бўлади» – деди.

Бу гапдан кейин Абу Талҳанинг хаёли уйдаги қимматбаҳо ёғочдан ясалган, зебу-зийнатларга бурканган санамига кетди. Наҳотки динимни ўзгартирсам, наҳотки, уйдаги илоҳимдан юз ўгирсам, деб ўйланиб қолди.

Боя айтганимиздек, Умму Сулайм оқила ва фаросатли аёл эди. Темирни қизиғида босди. У Абу Талҳага: «Эй Абу Талҳа ўша санамингиз ердан униб чиққан ёғоч эмасми?!» – деди. У: «Тўғри у ёғочдан ясалган» – деди. Умму Сулайм: «Ўша ёғочнинг ярми кимларнингдир ўчоғида ўтин бўлиб, аллақачон куйиб кул бўлмаганми?!» – деди. Абу Талҳа: «Ҳа, тўғри, шундай» – деб жавоб қилди. Шунда Умму Сулайм: «Эй Абу Талҳа, Исломга кириб, ҳақни англаб, мен сизга турмушга чиқаман, маҳр учун ҳеч вақо сўрамайман. Менга сизнинг исломингиз маҳрдир!» – деди. Абу Талҳанинг кўзи очилди. Шу кунгача жаҳолат ботқоғига ботиб юрганини англаб етди ва: «Мусулмон бўлиш учун нима қилишим керак» – деди. Умму Сулайм дарҳол унга шаҳодат калималарини ўргатди ва Абу Талҳа мусулмон бўлди. Исломингиз муборак бўлсин эй Абу Талҳа!

Мадинаи Мунавварада шов-шув кўтарилди. Одамлар орасида: «Энг қимматбаҳо маҳр Умму Сулаймнинг маҳри бўлди» – деган гап тарқалди. Кимлардир Умму Сулайм хонимни табрикласа, яна кимлардир унга ҳавас қиларди.

Қиссадан ҳисса шуки, куёв танлашда куёвнинг бойлиги, шуҳрати обрўси эмас, балки унинг диёнати муҳимдир. Мана бизга ўрнак, намуна! Умму Сулайм дарҳақиқат энг қимматбаҳо маҳр олди! Бир киши эътиқодининг тузалишига, ҳақни топишига сабабчи бўлди. Унинг даъвати билан бир мушрик мусулмон бўлди! Тушунган одам учун бундан ортиқ бойлик борми?!

Бугунги кунда бойлик одамларнинг кўзини кўр қилиб қўйди. Бойлик ортидан кофирларга, динсизларга эрга тегиб кетаётган қиз-жувонларни эшитяпмиз. Муҳтарама опа-сингиллар дунё ўткинчидир, уни деб охиратингизни қўлдан бой берманг!

Ботиржон қори

Ўктамжон Абдуллаев